
“Оналарга эҳтиром” фестивали мактабгача таълим ташкилотларида Фарғона вилояти ҳокими ташаббуси билан бошланиб, бугун бутун вилоятда кенг нишонланаётган эзгу тадбирни Ўзбекистон туманидаги жажжи кичкинтойлар ҳам ўзгача руҳдаги байрамга айлантиришди.





Тумандаги 62 та давлат мактабгача таълим ташкилотлари ва 90 дан зиёд оиласвий МТТларда “Оналарга эҳтиром” фестивали кўтаринки руҳда ташкил этилмоқда.

Фестивалда тарбияланувчилар ўз қўллари билан ясаган гуллари ва чизган расмлари билан оналарини хурсандчилигига сабаб бўлмоқда.



"Мактабгача таълим ташкилотларида “Оналарга эҳтиром” фестивалининг қайноқ жараёнлари хали олдинда" - дея хабар бермоқда туман Мактабгача таълим бўлими мутасаддилари.

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2021-05-18 22:49:39